

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЛИМОВ АЗИЗ ПУЛАТОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИНИНГ ДЕГЕНЕРАТИВ-ДИСТРОФИК
КАСАЛЛИКЛАРИДА ЭНДОПРОТЕЗЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Алимов Азиз Пулатович

Тизза бўғимининг дегенератив-дистрофик касалликларида
эндопротезлаш..... 3

Алимов Азиз Пулатович

Эндопротезирование коленного сустава при дегенеративно-
дистрофических заболеваниях..... 25

Alimov Aziz Pulatovich

Endoprosthesis of the knee in degenerative-dystrophic diseases..... 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЛИМОВ АЗИЗ ПУЛАТОВИЧ

**ТИЗЗА БЎҒИМИНИНГ ДЕГЕНЕРАТИВ-ДИСТРОФИК
КАСАЛЛИКЛАРИДА ЭНДОПРОТЕЗЛАШ**

14.00.22 – Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.2.DSc/Tib166 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.niito.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Азизов Мирҳаким Жавҳарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Прохоренко Валерий Михайлович
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)

Хамраев Алишер Шаҳобович
тиббиёт фанлари доктори

Саттаров Алишер Раҳимович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Р.Р. Вреден номидаги Россия травматология ва ортопедия илмий текшириш институти Федерал давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустомова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

И.Ю. Ходжанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, «сўнгги ўн йилларда бўғимларнинг дегенератив-дистрофик касалликларининг умумий сони ортиб бормоқда»¹. Йирик бўғимлар патологияси инсон таянч-ҳаракат тизими касалликларининг асосий қисмини ташкил этиб, улар фаолиятининг бузилиши, ўз навбатида, оғриқларга ва юришнинг қийинлашишига олиб келади, натижада, бемор кўшимча таянч ёрдамга муҳтож бўлади, меҳнат қobiliяти ва ижтимоий мослашув имкониятлари чекланади. «Дегенератив-дистрофик касалликларнинг учдан бир қисми тизза бўғимига (ТБ) тўғри келади, 55 ёшдан ошган кишиларнинг 10%и ТБ артрози билан касалланиб, улардан 25%ида бўғим фаолиятининг кескин бузилиши кузатилади»². Тизза бўғимида тотал эндопротезлаш (ТБТЭ) қўлланилиши ортиб боришига қарамай, асоратлар ва қониқарсиз натижалар сони анчагина юқори бўлиб, таклиф қилинган даволаш чора-тадбирлари аксарият ҳолларда беморлар учун кам самарали бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, эндопротезлар конструкцияси, материаллари ва ясалиши жиҳатдан такомиллашиб боришига қарамай, амалиётдан кейинги эрта ва кечки асоратлар ҳамда эндопротез компонентлари асептик ностабиллиги кузатилиб, ТБ ревизион эндопротезлаш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Жаҳонда ТБ дегенератив-дистрофик касалликларида эндопротезлаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, эндопротезларнинг моделлари, дизайни ва турларини такомиллаштириш, барча ТБ эндопротезлашдан кейинги ревизион амалиётлар орасида асептик беқарорлик асосий ўринни эгаллаши юзасидан, тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, эндопротез атрофидаги суяк тўқимаси резорбцияси унинг сабаби эканлиги, эндопротезлаш натижаларидан қониқмаслик, ревизион амалиётларини бажариш мураккаблиги, асоратлар профилактикаси бўйича янги ёндашувларга эҳтиёжнинг мавжудлиги каби муаммолар бугунги кунда долзарблигича қолмоқда.

Республикамызда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, жумладан, юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган³. Шунга кўра, ТБ дегенератив-дистрофик

¹ World Health Organization website, 2013, 2014.

² Liebs TR, Ziebarth K, Berger S. Randomized Controlled Trials for Arthroscopy in Degenerative Knee Disease: Was Conservative Therapy Appropriately Tried Prior to Arthroscopy? // Arthroscopy. 2018 Jan 31. pii: S0749-8063(17)31520-7.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 4947-сон Фармони “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 07.02.2017.

касалликлари бўлган беморларда жарроҳлик ва консерватив периоперацион даволашни оптималлаштириш йўли билан эндопротезлаш натижаларни яхшилаш тадқиқотнинг долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги ПҚ-3052-сон «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. ТБ дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари йирик тиббиёт марказлари ва етакчи олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Washington (АҚШ); Martinos center for biomedical imaging (АҚШ); Harvard medical school (АҚШ); Neurospine research center (Франция); Bonn University (Германия); Service deradiology hospital Arnaud-de-Villeneuve (Франция); University of Sheffield (Буюк Британия); Arthritis research UK Centre for Sport, Exercise and Osteoarthritis, Nuffield Department of Orthopaedics, Rheumatology and Musculoskeletal Sciences, University of Oxford (Буюк Британия); Chang Gung University of Science and Technology (Тайвань, Хитой); Department of Orthopedic Surgery, Shanghai Guanghua Hospital (Хитой), ЦИТО им. Н.Н. Приорова (Россия Федерацияси); Травматология ва ортопедия ихтисослаштирилган илмий амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунё миқёсида бўғим дегенератив-дистрофик касалликларини ташхислаш, хирургик даволаш, ТБТЭ компонентларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, эндопротезлаш асоратларининг олдини олиш бўйича

¹Тихилов Р.М., Корнилов Н.Н., Куляба Т.А., Филь А.С., Дроздова П.В., Петухов А.И. Сравнительный анализ регистров эндопротезирования коленного сустава (обзор литературы) // Травматология и ортопедия России. – М., 2014. - №2. – С.112-121.

He Y., Xiao L., Zhai W., Kasperek M.F., Ouyang G., Boettner F. What Percentage of Patients is a Candidate for Unicompartmental Knee Replacement at a Chinese Arthroplasty Center? // Open Orthop J. 2018 Jan 30;12:17-23.
Sanchez-Santos MT, Garriga C, Judge A, Batra RN, Price AJ, Liddle AD, Javaid MK, Cooper C, Murray DW, Arden NK. Development and validation of a clinical prediction model for patient-reported pain and function after primary total knee replacement surgery // Sci Rep. 2018, Feb 21;8(1):3381
Müller M, Matziolis G, Falk R, Hommel H. The bicompartmental knee joint prosthesis Journey Deuce: failure analysis and optimization strategies // Orthopade. 2012 Nov;41(11):894-904.
Windisch C, Brodt S, Röhrner E, Matziolis G. Complications and costs in primary knee replacement surgery in an endoprosthesis centre : Influence of state of training.// Orthopade. 2017 Apr;46(4):353-358.

ўтказилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ТБ эндопротези компонентларинини такомиллаштириш ва эрта ностабиллиги биомеханик юк векторининг қайта тақсимланиши ва мушаклар дисбаланси билан боғлиқлиги аниқланган (Harvard medical school, АҚШ; University of Sheffield, Буюк Британия); ТБ дегенератив-дистрофик касалликларини эрта ташхислаш ва тотал эндопротезлашни ўтказиш асоратларни камайитириш имконини бериши исботланган (Bonn University, Германия; Neurospine research center, Франция); беморларда суяк минерал зичлигининг пасайиши тизза бўғими эндопротезининг эрта ностабиллигига олиб келиши аниқланган (РНИИТО им. Р.Р.Вредена, Россия Федерацияси, University of Washington, АҚШ); ТБТЭ асоратлари сабабларини ўрганилган (Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон).

Ҳозирги кунда дунё миқёсида ТБТЭни такомиллаштириш ва натижаларини яхшилаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда: дегенератив-дистрофик ўзгаришларни ташхислаш ва оператив даволаш усулларини такомиллаштириш; эндопротезнинг такомиллаштирилган турларини яратиш; эндопротезнинг эрта ностабиллиги; сунъий бўғим имплантациясидан олдин ва кейинги даврда тизза бўғими функционал мезонларини аниқлаш; эндопротез атрофи суяк тўқималарининг яллиғланиши ва остеолизиснинг олдини олиш; ТБ эндопротезлашда боғлам аппаратининг аҳамиятини аниқлаш; сунъий бўғим билан контактдаги суяк тўқимасининг минерал зичлиги ҳолатини комплекс баҳолаш; суяклар ўқи деформацияларини ҳисобга олган ҳолда эндопротез компонентлари ориентациясини аниқлаш; ТБТЭ бўйича оператив амалиётга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш; оператив амалиётдан кейинги беморлар ҳаёт сифатини яхшилашнинг самарали усулларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда ТБТЭ юқори самарали усули бўлиб ҳисобланади, 2008 йилда АҚШда 602600та амалиёт бажарилиб, 2030 йилга келиб бундай амалиётлар сони 3,5 миллионга етиши башорат қилинмоқда (Загородний Н.В., Нуждин В.И., Кудинов О.А, 2011). Сўнгги йилларда ТБТЭга бўлган эҳтиёж 65дан кичик ёшли беморларда ҳам туғилмоқда. Бу аҳолининг ва семизликдан азият чекувчи инсонларнинг умумий сони, уларнинг ёши ва таянч-ҳаракат тизими касалликлари мавжудлигига қарамай, фаол ҳаёт тарзини кечириш истагини билдираётган инсонлар улушининг ортиб бораётгани билан боғлиқдир. Бундай вазият аҳолининг фаол ҳаёт кечириш давомийлиги ортиб бораётган давлатларда кузатилмоқда. ТБТЭ бажарилганидан сўнг биринчи ўн йилликда аъло ва яхши натижалар 90% беморларда кузатилган (Windisch C. Brodt S, Röhner E, Matziolis G, 2017). Маълум бўлишича, ТБТЭ усули узоқ муддатли ривожланиш йўлини босиб ўтган бўлиб, натижада бўғимда фаол, оғриксиз ҳаракатлар ва оёқнинг таянчга эга бўлиши ва тикланиши имконини берди (Чрагян Г.А., Загородний Н.В., Нуждин В.И., Кудинов О.А, 2012) , аммо ТБТЭ қатор афзалликларга эга бўлишига қарамай, у мукамал эмас (Müller

М., 2012). Игнатенко В.Л. ва бошқалар (2011) фикрига кўра, ҳар доим ҳам замонавий технологиялар дегенератив-дистрофик жараёнлар таъсирида ТБда юз берган ўзгаришларнинг барчасини ҳам акс эттира олмайди. Бўғимдаги дегенератив-дистрофик ўзгаришлар фонида тибиал платонинг дўнгликларидаги мавжуд нуқсонлар, юмшоқ тўқималар дисбаланси, бўғим дисфункцияси ва деформация бурчагининг (valgus/varus) ҳосил бўлишини ҳисобга олиб механик ўқнинг етарлича тўғриланмаганлиги ТБ эндопротези компонентларининг тез-тез эскиришига олиб келиб, ревизион амалиётлар бажарилишининг асосий сабабларидан ҳисобланади. Резник Л.Б (2009) тадқиқотлари кўрсатишича, суяк тўқимасининг яллиғланиши ва стрессли ремоделлашуви асептик ностабилликнинг асосий сабабларидан биридир. Бу жараёнлар баъзи ҳолларда суяк зичлигининг ортиши ва имплантнинг суяк ўриндиғидаги якуний фиксациясини таъминласа, бошқа ҳолларда эса асептик беқарорликка сабаб бўлади. Суяк тўқимаси ривожланишининг норасолиги, остеопороз мавжудлиги шароитида, перипротез микросинишлар ривожланиши эҳтимоли туфайли ностабиллик муаммоси вужудга келади (Берглезов М.А., Андреева Т.М., 2010). Суяк ўриндиғида остеолит ва ремоделлашув жараёнларининг мувозанатланган ҳолда кечишини медикаментоз жиҳатдан таъминлаш ТБ эндопротезларининг асептик беқарорлигининг олдини олишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда йирик бўғимларда эндопротезлаш амалиётларини ўтказиш имкониятлари яратилди. Йирик бўғимлар касалликлари регистри аниқланиб, республикамизнинг ҳар 1000 фуқаросидан 1тасига эндопротезлаш эҳтиёжи мавжуд эканлиги маълум бўлди. Ушбу кўрсаткичлар ҳар йили 30000дан кўпроқ эндопротезлаш муолажаларини ўтказиш лозимлигини кўрсатади. Эндопротезлашни ўтказиш бўйича кадрлар гуруҳини тайёрлаш, керакли жиҳозлар билан таъминлаш масалалари бўйича ташкилий ишлар бажарилди. Эндопротезлашнинг узок натижалари 10-15 йилдан ортиқ муддатларда ўрганилди. Эндопротезларнинг ўртача яроқлилиқ муддати таҳлил қилинди ва бу натижа жаҳон стандартларига мос эканлиги аниқланди. Ҳар 100 эндопротездан 90таси нормал даражада фаолият кўрсатди, 10% асоратлар асосан беморларнинг умумий ахволи, уларнинг кеч ва касалликнинг оғир даражасида мурожаат қилиши аниқланган, суякларнинг минерал ҳолатининг эндопротезнинг эрта беқарорлигига боғлиқлиги бўйича илмий изланишлар ўтказилган (Азизов М.Ж., Ступина Н.В., Усмонов Ф.М., Хошимов А.Р., 2008; Азизов М.Ж., 2014, 2016; Азизов М.Ж., Ступина Н.В., Шокиров Х.Х., 2016).

Адабиётлар таҳлили кўрсатишича, тотал эндопротезлаш ТБ дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларни оператив даволашнинг барча усуллари орасида энг самарали ва радикал усулдир. Бироқ, бўғимнинг зарарланиш даражаси ва оёқнинг мушак аппарати ҳолатини ҳисобга олган ҳолда бирламчи ТБТЭ, эндопротез атрофи суяк тўқимасидаги остеолит жараёни, бу жараёнга остеотроп медикаментоз таъсир қилиш зарурати ва амалиётдан кейинги реабилитацияни такомиллаштириш масалалари

беморларнинг бу гуруҳида даволаш натижаларини яхшилаш муаммолари устида илмий ишларни давом эттириш заруриятини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТСС-7.1 «Йирик бўғимларнинг ортопедик касалликларини ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштириш ва янги технологияларни ишлаб чиқиш» (2009-2011 йиллар) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларда жарроҳлик ва консерватив периоперацион даволашни оптималлаштириш йўли билан тизза бўғимини тотал эндопротезлаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ТБ дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларни тотал эндопротезлашдан олдинги ва кейинги клиник-функционал ўзгаришларни баҳолаш;

дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларда ТБ деформация бурчакларини аниқлаш ва бирламчи эндопротезлашда деформация бурчагига боғлиқ равишда хирургик коррекция усулини ишлаб чиқиш;

ТБ ни эндопротезлашда суяк тўқимасида ремоделлашув ва остеолизнинг эрта клиник ва рентген-денситометрик ҳолатини аниқлаш;

рентген-денситометрик ва иммунологик кўрсаткичлар ўртасида параллелликни аниқлаш ҳамда ТБ ни бирламчи эндопротезлашдан кейинги остеолизнинг эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш;

ТБ дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларда бирламчи эндопротезлашдан олдин морфологик ўзгаришларни қиёсий равишда баҳолаш;

эндопротез компонентлари атрофидаги остеолизда медикаментоз даволаш тартибини ишлаб чиқиш;

бўғимнинг зарарланиш даражаси ва оёқнинг мушак аппарати ҳолатини ҳисобга олган ҳолда бирламчи ТБТЭдан кейин реабилитацион чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг катталар ортопедияси бўлимида ТБТЭ бўйича амалиёт бажарилган ТБ дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган 223 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети тизза бўғимини тотал эндопротезлаш бўйича жарроҳлик амалиёти бажарилган беморлардаги клиник, клиник-инструментал, иммунологик ва морфологик текширув натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Амалий тиббиётда кенг қўлланилувчи замонавий рентгенологик, денситометрик, доплерографик, электромиографик, иммунологик, морфологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тизза бўғимини эндопротезлашда катта болдир суяги дўнглариининг некроз нуқсонларида ғадир-будурликдан олинган суяк аутотрансплантати ёрдамида эндопротез компонентлари барқарорлигини таъминлаш учун пластика усули ишлаб чиқилган;

П-симон шаклдаги ТБга мослаштирилган тизза усти қопқоғини четлатиш ва учун ретрактор ишлаб чиқилган ва унинг ёрдамида тизза бўғимини эндопротезлашда сунъий бўғим имплантациясига операция майдонини етарлича кенгайтириши исботланган;

чўзилиб кетган коллатерал боғламларда тендопликациясини ўтказиш йўли билан тизза бўғими деформация бурчагига боғлиқ равишда тотал эндопротезлаш хирургик коррекцияси тактикаси ишлаб чиқилган;

тизза бўғимини эндопротезлашдан 4-6 ойдан кейинги назорат гуруҳи беморларида рентгенденситометрик белгиларнинг пасайиши ва иммунологик кўрсаткичларнинг ошиши кузатилиб эндопротез атрофидаги суяк тўқимаси остеолизининг ривожланиши исботланган;

тизза бўғими суяк тўқимаси зичлигини аниқлаш асосида протез атрофи суяк тўқимасида резорбтив жараёнларга медикаментоз таъсир қилиш схемаси ишлаб чиқилган;

тизза бўғими букилувчи контрактурасининг ривожланишида тўрт бошли мушак биоэлектрик фаоллигининг сусайиши ва тизза бўғимини букувчи мушакларининг гипертонуси билан боғлиқлиги исботланган;

тизза бўғимини тотал эндопротезлашдан кейин оёқнинг мушак аппарати тонуси пасайганида электронейростимуляция қўллаган ҳолда реабилитация чора-тадбирлари схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

катта болдир суяги дўнглигининг кичик ва ўртача даражадаги некроз нуқсонларини суяк пластикаси ёрдамида тўлдириш йўли билан эндопротез компонентлари барқарорлигини таъминлайдиган ва қимматбаҳо металл модулли блоклардан фойдаланмасдан ижобий натижаларга эришиш имконини берадиган тизза бўғимини эндопротезлаш усули ишлаб чиқилган;

тизза бўғимини тотал эндопротезлашдан кейин оёқнинг мушак аппарати тонуси пасайганида электронейростимуляция қўллаган ҳолда реабилитация чора-тадбирлари комплекси ишлаб чиқилган;

тизза бўғимини эндопротезлаш амалиёти вақтини қисқартириш ва адекват йўлни таъминлаш имконини берувчи тизза усти қопқоғини четлатиш учун ретрактор ишлаб чиқилган;

дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморлар варус/вальгусли деформацияларида тендопликация усулини қўллаган ҳолда эндопротез барқарорлигини яхшилаш имконини берадиган тизза бўғими ўқи деформацияларини хирургик коррекция қилиш тактикаси таклиф этилган;

гонартрози бўлган беморларни эндопротезлашда эрта остеолизнинг корреляцион маркерлари аниқланиши ёрдамида медикаментоз антирезорбтив остеотроп даволаш тартиби ишлаб чиқилган;

эндопротезлашдан кейин мушак аппаратининг тонуси сусайган тизза бўғимининг фаолиятини қисқа муддатда тиклаш имконини берувчи электронейростимуляция ва эрта жисмоний машқларни қўллаган ҳолда реабилитацион чора-тадбирлар тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган замонавий клиник, рентгенологик, доплерографик, денситометрик, электромиографик, иммунологик ва морфологик текширув натижалари, беморлар сонининг етарлилиги, шунингдек аналитик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги ва олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига асосланганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш хусусиятларини ўрганишга сезиларли ҳисса қўшишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти эндопротез атрофи тўқималарида юз берадиган ўзгаришлар ҳақидаги ўтказилган комплекс текширувлар натижалари бўйича олинган маълумотлар; ишлаб чиқилган ташхислаш ва оператив даволаш усуллари ТБТЭ натижаларини яхшилаш ва тиббий, ижтимоий, иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган; катта болдир суяги дўнгликларининг некроз нуқсонларини тўлдириш бўйича ишлаб чиқилган усул эндопротез барқарорлигини таъминлаш имконини берган; электронейростимуляция ва эрта жисмоний машқлар ёрдамида ўтказиладиган реабилитацион чора-тадбирлар тартиби дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларда ТБТЭдан кейинги бўғим фаолиятининг тикланиш муддатини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликларини ташхислаш, оператив даволаш бўйича бажарилган тадқиқот натижалари ёрдамида беморлар, айниқса, кекса ва қарияларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлигида кўринади. Тадқиқотнинг айрим натижалари тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларни ташхислаш ва оператив даволаш бўйича тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари, магистрлари, клиник ординаторлари, институт ва малака ошириш факультети курсантларини ўқитиш амалиётини такомиллаштириш ва тиббиёт фани соҳасида қўллаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларда тизза бўғимини тотал эндопротезлаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тизза бўғимини эндопротезлашда тизза усти қопқоғини четлатиш учун ретрактор ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 февралдаги 8н-д/30-сон маълумотномаси). Таклиф этилган мослама амалиёт

вақтини қисқартириш ва тизза бўғимини эндопротезлашда адекват йўл очиш имконини берган;

тизза бўғими деформацияларини ташхислаш ва эндопротезлашда даволаш тактикасини танлаш услубияти ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 февралдаги 8н-д/30-сон маълумотномаси). Таклиф этилган ташхислаш комплекси тизза бўғими деформацияларини эрта верификация қилиш ва тотал эндопротезлашнинг энг оптимал тактикасини танлаш шароитини яратган;

«Тизза бўғимини эндопротезлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 февралдаги 8н-д/30-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган қўлланманинг татбиқ этилиши дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларда тизза бўғимини эндопротезлаш натижаларини яхшилаш, бўғим фаолиятининг тикланиш муддатини қисқартириш имконини берган;

дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларда тизза бўғимини тотал эндопротезлаш натижаларини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишининг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг тиббий-санитария қисми амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 февралдаги 8н-д/30-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Тадқиқотдан олинган натижалар тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларни ташхислаш сифатини яхшилаш, тотал эндопротезлаш тактикасини оптималлаштириш ва амалиётдан кейинги асоратларни 20,5% дан 8,3% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференциялар, жумладан, 6та халқаро ва 6та республика илмий-амалий анжуманлари, симпозиумларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 34та илмий иш чоп этилган, жумладан, 12та мақола, улардан 8таси республика ва 4таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 195 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён

этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асослаб берилган, уларнинг жорий қилиниши, муҳокамадан ўтказилиши ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги ҳамда диссертациянинг қисқа тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тизза бўғимини тотал эндопротезлашнинг афзалликлари ва камчиликларини баҳолаш»**, деб номланган биринчи бобида тизза бўғимида дегенератив-дистрофик ўзгаришлари бўлган беморлар, йирик бўғимларни эндопротезлашда асосий асорат сифатида асептик ностабиллик учраганида, ТБТЭ ўтказишнинг хусусиятлари борасидаги маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар ишларининг шарҳи, шунингдек, тизза бўғимида дегенератив-дистрофик ўзгаришлар бўлган беморлар диагностикаси, консерватив ва оператив даволаш, реабилитация тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **«Материалнинг клиник тавсифи ва қўлланган текширув усуллари»** деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини тақдим этувчи услубий ёндашувлар ва усуллар келтирилган. Ушбу диссертация тадқиқоти учун белгиланган мақсадга эришиш ва вазифаларни бажариш учун Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази катталар ортопедияси бўлимида 2011-2016 йилларда ТБТЭ бажарилган 223 нафар бемор ўрганилган.

Кузатувдаги беморларга «De Puy pfs. Sigma» (Ирландия) ва «Zimmer» (Швейцария) фирмаларининг тизза бўғими эндопротезлари стандарт қабул қилинган технология бўйича имплантация қилинган. Тизза бўғимининг «De Puy pfs. Sigma» фирмасининг сунъий протезини 148 та ($66,4 \pm 3,2\%$) беморга, «Zimmer» фирмасининг протези эса 75 та ($33,6 \pm 3,2\%$) беморга имплантация қилинган. ТБТЭ амалиёти вақтида орқа бутсимон боғламни сақлаб қолган ҳолда ёки уни сақлаб қолмасдан орқа стабилизатордан фойдаланиб бажарилди.

Барча кузатилган беморлардан 148таси ($82,1 \pm 2,6\%$) аёллар ва 40таси ($17,9 \pm 2,6\%$) эркаклар эди. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси бир-биридан катта фарқ қилмади: тегишли равишда 116 ($52,0 \pm 3,3\%$) ва 107 ($48,0 \pm 3,3\%$) нафар. Ёш жиҳатдан текширилган беморлар қуйидагича тақсимланди: 22-35 ёшлар - 6та ($2,7 \pm 1,1\%$); 36-60 ёшлар - 85та ($38,1 \pm 3,3\%$); 61-74 ёшлар - 114та ($51,1 \pm 3,3\%$); 75-90 ёшлар - 18та ($8,1 \pm 1,8\%$) беморни ташкил қилди. Кузатувдаги беморлар касбига биноан қуйидагича тақсимланди: пенсионерлар - 134та ($60,1 \pm 3,3\%$); вақтинча ишсизлар - 70та ($31,4 \pm 3,1\%$); уй бекалари - 5 та ($2,2 \pm 1,0\%$); ўқитувчи ва шифокорлар 4тадан ($1,8 \pm 0,9\%$ дан); фермерлар - 2та ($0,9 \pm 0,6\%$). Шундай қилиб, ТБТЭ ўтказиш учун кўпроқ аёллар (эркаклардан 4,6 баробар кўп), 61-74 ёшдагилар (аёлларда бошқа ёшдагиларга нисбатан 1,2-7,7 баробар кўп, эркакларда эса бошқа ёшдагиларга нисбатан 2,4-3,7 баробар кўп), пенсионерлар мурожаат қилганлар.

Барча текширилган беморлар касалхонага келганида қуйидаги ташхислар қайд этилган (жами $n=448$ та ташхис): тизза бўғими деформацияловчи гонартрози – ўнг, чап, икки томонлама ($26,6 \pm 2,1\%$, $n=119$);

тизза бўғими деформацияловчи артрози – ўнг, чап, икки томонлама ($20,8 \pm 1,9\%$, $n=93$); тизза бўғими ёзилувчи-букилувчи контрактураси – ўнг, чап, икки томонлама ($16,3 \pm 1,7\%$, $n=73$); ревматоид полиартритнинг бўғим тури ($9,4 \pm 1,4\%$, $n=42$); ревматоид полиартритнинг висцерал-бўғим тури ($6,0 \pm 1,3\%$, $n=27$); тизза бўғими варус деформацияси ($5,6 \pm 1,1\%$, $n=25$); умуртқа поғонасининг бел-думғаза бўлими остеохондрози ($5,1 \pm 1,0\%$, $n=23$); тизза бўғими вальгус деформацияси ($1,8 \pm 0,6\%$, $n=8$); тизза бўғими синовити ($1,3 \pm 0,5\%$, $n=6$); эндопротезлаш амалиётидан кейинги ҳолат ($7,1 \pm 1,2\%$, $n=32$).

Бундан ташқари, қуйидаги касалликлар ташхисланди: оёқ қон томирлари варикоз касаллиги ($8,7 \pm 1,9\%$, $n=20$); гипертония касаллиги ($4,8 \pm 1,4\%$, $n=11$); юрак ишемик касаллиги ($4,4 \pm 1,3\%$, $n=10$); қандли диабет ($1,3 \pm 0,7\%$, $n=3$); II даражали анемия ($0,4 \pm 0,3\%$, $n=1$). 185та ($80,4 \pm 2,6\%$) беморда ёндош касалликлар аниқланмади. 7та беморда 2тадан ёндош касаллик аниқланди: гипертония ва юрак ишемик касаллиги – 5та беморда, гипертония ва қандли диабет – 1та беморда, юрак ишемик касаллиги ва оёқлар варикози – 1та беморда.

Барча ташхислар замонавий, анъанавий клиник, клиник-инструментал ва лабораториявий текширув усуллари ёрдамида касалликларнинг X халқаро таснифи (КХТ-10, 1997 йил) асосида қўйилди. Тадқиқотлар бажарилишида 1964 йилда қабул қилинган Бутун жаҳон тиббиёт ассоциацияси Хельсинки декларацияга биноан (Бутун жаҳон тиббиёт ассоциациясининг Сеул шаҳридаги 59-генерал ассамблеясида 2008 йилда сўнгги бор тўлдирилган) инсонни жалб этувчи тиббиёт тадқиқотларининг барча этик принципларга риоя қилинди.

Текширувнинг клиник усули беморнинг касалхонага келган вақтидаги шикоятлари, касалликнинг ривожланиш тарихи, ҳаёт тарихи, махсус ортопедик текширув усуллари ёрдамида маҳаллий ҳолатни (status localis) ўрганиш, яъни тизза бўғими ҳолатини ўрганиш, тизза бўғими ўқининг бузилиши билан деформацияни аниқлашни ўз ичига олган. Якуний ташхисни қўйиш вақтида тизза бўғими вальгус ёки варус ҳолатини эгаллашига сабаб бўлган тизза бўғимининг ички ва ташқи ёнбош боғламларининг ностабиллиги эътиборга олинди. Беморларни клиник текшириш Bristol Knee Score [Mac Kinnon J. et al., 1988] бўйича тизза бўғимини баҳолаш шкаласи ва тизза бўғимини бошқа баҳолаш схемалари бўйича ўтказилди. Амалиётгача бўлган режалаштиришда тизза бўғими функционал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тизза бўғими деформацияси баландлиги даражаси ҳисобланди. Деформация бурчаги баландлигига боғлиқ равишда 3 даражага бўлинди: I даража – деформация бурчаги 10° гача; II даража – деформация бурчаги 10° дан 15° гача; III даража – деформация бурчаги 15° дан юқори.

Рентгенография вақтида болдир, сон, тизза бўғими ривожланиш аномалиялари ва патологик ўзгаришларининг асосий рентгенологик характеристикалари аниқланди. Рентгенологик текширувлар Республика Ихтисослаштирилган илмий амалий тиббиёт маркази клиникасида «Tur-D 800-4» (Germany, 1992) ва «Flexavision» (Japan, 2008) аппаратларида бажарилди.

Допплерографик текширувлар оёқлардаги қон томирлар архитектоникаси ҳолатини ўрганиш мақсадида ўтказилди. Бу усул текширилаётган соҳада қон томирлардаги ўзгаришлар миқёсини муваффақиятли ташхислаш имконини беради. Текширувлар SA-8000 (South Korea, 2003) ультратовуш сканер ёрдамида ўтказилди.

Суяк тўқимаси зичлигини систем баҳолаш икки энергияли рентген абсорбциометрия усулида (DXA) «Stratos» (France, 2011) аппаратида соннинг проксимал қисмида стандарт дастур бўйича ўтказилди. Тизза бўғими рақамли рентгенографияси амалиётдан олдин стандарт нукталарида тўғри ва ёнбош проекцияларда бажарилди.

Электрмиография текшируви мушакларнинг глобал электрик фаоллигини ўрганишга асосланган. Мушаклар биопотенциалининг кўрсаткичлари уларнинг максимал қисқаришида ва тинч ҳолатда ўрганилади. Мушаклар жами электрик фаоллигини ўрганиш учун юзаси 100 мм²сатҳга эга бўлган электродлардан фойдаланилди. Текширувлар «Medicor MG-440» (Россия, 1998) миографида ўтказилди.

Иммун тизими ҳолатини баҳолаш CD-дифференциаллашувчи ва активацион антигенлар экспрессияси усули (ООО «Сорбент», Россия) бўйича ўтказилди. CD3 (Т-лимфоцитлар), CD4 (Т-хелперлар/индукторлар), CD8 (Т-супрессорлар/цитотоксик лимфоцитлар), CD19 (В-лимфоцитлар), CD16 (табиий киллерлар), CD25 (ИЛ-2 α -занжирига рецепторлар ташувчи лимфоцитлар), CD95 (апоптоз) ҳужайралари аниқланди. Радиал иммунодиффузия усулида (Manchini, 1964) IgA, IgM, IgG концентрациялари, қаттиқ фазали ИФА усулида («Протеиновый контур», «Цитокин» МЧЖ, Россия) қон зардобда цитокинлар ишлаб чиқиши аниқланди.

Тизза бўғимининг дегенератив-дистрофик касалликларига чалинган 86та бемордан морфологик текширувлар учун жарроҳлик амалиёти давомида тизза бўғимининг тоғай-суякқавати патологик тўқималари олинди. Ёруғлик оптика препаратлари персонал компьютер билан боғланган ProgRess, CaputerPro 2.6 рақамли камерали «AXJSKOP-40» (Germany) микроскопи ёрдамида ўрганилди.

Олинган натижаларга персонал компьютерда Excel йиғмасидаги дастурлар ёрдамида статистик ишлов берилди. Ўртача миқдорлар фарқи $P < 0,05$ [Зайцев В.М. ва ҳаммуал., 2003] бўлганида ишончли деб баҳоланди. Тадқиқотларни ташкиллаштириш ва ўтказиш далилий тиббиёт принципларига асосланди [Пономарева Л.А., Маматкулов Б.М., 2007].

Диссертациянинг **«Тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларда клиник-инструментал текширувлар натижалари»** деб номланган учинчи бобида ТБТЭ учун касалхонага ётқизилган тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларнинг клиник тавсифи келтирилган.

Беморлар, кўпинча, йирик бўғимлар, айниқса, тизза ($99,6 \pm 0,4\%$, $n=222$) соҳасидаги оғриқ ва уларда ҳаракатнинг чекланишига ($98,2 \pm 0,9\%$, $n=219$) шикоят қилиши аниқланди. Жуда кам ҳолларда тизза бўғимидаги контрактурага ($0,9 \pm 0,6\%$, $n=2$) шикоят аниқланди. Беморлар ТБТЭга

мурожаат қилгунига қадар, кўпинча, 10 йил ва ундан ортиқ давр мобайнида ($56,1 \pm 3,3\%$, $n=125$) касалликдан азият чекканлар.

Умумий ва махсус кўрик (status localis) вақтида тизза бўғими соҳасида ҳаракатда ва пайпаслаганда оғриқ 129та ($57,8 \pm 3,3\%$) беморда аниқланди. Ҳаракатнинг сезиларли чекланиши 103та ($46,2 \pm 3,3\%$) беморда, бўғимда ёзиш-букиш ҳаракатининг чекланиши эса 73та ($32,7 \pm 3,1\%$) беморда кузатилди. 24та ($10,8 \pm 2,1\%$) беморда тизза бўғимининг деформацияси, 93та ($41,7 \pm 3,3\%$) беморда эса унинг ҳажми ўзгариши, 4та ($1,8 \pm 0,9\%$) беморда бўғимнинг шиши аниқланди, бинобарин, касалхонага келганида 80та ($35,9 \pm 3,2\%$) бемор тизза бўғимидаги шишга шикоят қилганлар.

Текширилганларнинг чаноқ-сон бўғимида ҳаракат фақат 8та ($3,6 \pm 1,2\%$) ҳолатда тўлиқ, қолган ($96,4 \pm 1,2\%$, $n=215$) беморларда эса бу ҳаракат турли даражада бузилган эди. Бундан ташқари, кўрик вақтида варусли ($11,1 \pm 2,1\%$, $n=25$) ва вальгусли ($3,6 \pm 1,2\%$) деформациялар аниқланди.

Беморларда энг кўп учраган рентгенологик белгилар: тизза бўғими суяк тўқимаси юзасининг дегенератив-дистрофик ўзгаришлари ($98,2 \pm 0,9\%$, $n=219$), тизза бўғими суяклари орасидаги тирқишнинг торайиши ($94,6 \pm 1,5\%$, $n=211$) ва остеофитларнинг борлиги ($55,6 \pm 3,3\%$, $n=124$). Бу белгилар беморларнинг тизза бўғимида дегенератив-дистрофик касалликлар таъсирида патологик жараён ривожланганини тасдиқлайди. Бошқа рентгенологик белгилар, масалан, варусли ва вальгусли деформация (мос равишда $3,6 \pm 1,2\%$ ва $0,5 \pm 0,4\%$), инконгруэнтлик ($1,3 \pm 0,8\%$), субхондрал склероз ва остеопороз (ҳар бири $0,9 \pm 0,6\%$ дан) кам ҳолларда учради. Рентген манзара, умуман, тизза бўғимида дегенератив-дистрофик касалликларга хос бўлиб, клиник манзара билан биргаликда дастлабки ташхисни аниқлаш мумкин.

Допплер текширувлари натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, тизза бўғимининг дегенератив-дистрофик ўзгаришлари ҳам, дегенератив-дистрофик касалликнинг ўзи ҳам қон томирларда ангиопатия ва ангиоспазм белгилари билан кечади, лекин йирик артериялардаги максимал қон оқимиға деярли таъсир этмайди. Ўрганилган йирик артерияларда максимал қон оқими кўрсаткичларининг меъёрий кўрсаткичларда сақланиб қолиши бунни исботлайди.

Денситометрик текширувлар соғлом кишилар (назорат гуруҳи, $n=15$) ва ТБТЭ масаласи бўйича касалхонага ётқизилган тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларда Т-мезонининг турли кўрсаткичларини қайд этди (асосий гуруҳ, $n=87$) – тегишли равишда $-0,1$ гача (меъёрида) ва $-0,8$ дан $-2,9$ гача (остеопения ва остеопороз). Амалиётгача ўтказилган денситометрия таҳлили асосий гуруҳдагиларда суяк минерал зичлигининг камайганини кўрсатади. Шу сабабли, кучли остеопороз бўлган беморларда остеотроп даволашни ТБТЭ амалиётидан камида 6 ой аввал бошлаш лозим ва денситометрия кўрсаткичлари бирмунча барқарорлашганидан кейингина оператив амалиётни бажариш мумкин ҳисобланади. Тизза бўғими суяк тўқимаси ва сон суягининг барча денситометрия кўрсаткичлари (BMD, BMC, суяк юзасининг юзаси, T-score ва Z-score) ўзаро ишончли фарқланмади. T-score ва Z-score бўйича барча

натижалар остеопения чегарасида бўлиб, беморларга ТБТЭни режалаштиришда бу фактни назарда тутиш лозим. Сон суягининг синиш эҳтимоллиги катта болдир суягига нисбатан 2,4 ва 1,6 баробар юқоридир.

ТБТЭ бўйича шифохонага ётқизилган беморлар болдир мушакларининг биоэлектр фаоллигини ўрганиш бўйича электромиографик текширувларда мушаклар орасида фарқланиш борлигини аниқлаш кўрсаткичлар олинди. Бу кўрсаткичларга кўра, болдирни ёзувчи мушакнинг (*m.rectus femoris*) биоэлектр фаоллиги болдирни букувчи мушакникига (*m.biceps femoris*) нисбатан 1,4-7,2 баробар ишончли камлиги аниқланди. Бу тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликлари болдир мушаклари биоэлектрик фаоллигига салбий таъсир кўрсатишини билдиради. Бу далилни оператив амалиёт тактикасини танлашда, ТБТЭдан кейин реабилитация чоратадбирларини режалаштиришда ва бу амалиёт натижасини прогнозлашда назарда тутиш лозим.

Диссертациянинг **«Тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларни оператив ва медикаментоз даволаш усуллари тақомиллаштириш»** деб номланган тўртинчи боби тизза бўғими дегенератив-дистрофик касалликлари бўлган беморларда тактика ва ТБТЭ амалиёти услубига бағишланган.

Оёқ ўқи деформациясида тизза бўғимида эндопротез имплантациясида хирургик амалиёт тактикаси. Оёқ ўқининг деформациясида тизза бўғимида эндопротезни имплантация қилишда тизза бўғими деформацияси бурчаги даражасига боғлиқ равишда хирургик амалиёт тактикаси ишлаб чиқилди: I даража – тизза бўғими деформацияси бурчагининг баландлиги 10°га етади. Бу беморларга ТБТЭ дан кейин коллатерал боғламларни қат-қат (гофрала) тикиш йўли билан тендопликация бажарилди; II даража – тизза бўғими деформацияси бурчагининг баландлиги 15°га етади. Бу беморларга тиббал платони резекция қилиб, деформация бурчагини 5°гача коррекция қилгач, коллатерал боғламлар тендопликация қилинди; III даража – тизза бўғими деформацияси бурчагининг баландлиги 15°дан юқори. Бу беморларга тиббал платони резекция қилиб, деформация бурчагини 5°дан юқорироқ қилиб коррекция қилинди. Тизза бўғими деформация бурчаги I даражасида (n=114) беморларга тизза бўғимининг тотал эндопротези имплантациясидан кейин коллатерал боғламларни гофралаш амалга оширилди (1-расм).

Тизза бўғими деформация бурчаги II даражасида (n=60) беморларга тизза бўғимининг тотал эндопротези имплантациясидан кейин коллатерал боғламларни гофралашдан ташқари тиббал плато резекцияси ва деформацияни 5° бурчак остида коррекцияси амалга оширилди (2-расм).

Тизза бўғимининг деформация бурчаги III даражасида (n=18) беморларга ТБТЭ имплантациясидан кейин коллатерал боғламларни гофралаш, тиббал платонинг 5° дан кўпроқ бурчак остида резекцияси бажарилди (3-расм). Оёқ узунлиги катта ўлчамдаги (15 мм гача) полиэтилен таглик ёрдамида компенсацияланди ёки тиббал платонинг резекция қилинган пластиналарининг остеоимпакцияси ҳамда контрлатерал томонда юмшоқ тўқималар релизи бажарилди.




а

б

в

1-расм. Тизза бўғими деформация бурчаги I даражасида коллатерал боғламларни гофралаш (а – схема кўринишида, б – ТБТЭ гача, в – ТБТЭ дан кейин)



а

б

в

2-расм. Тизза бўғими деформация бурчаги II даражасида тибиял плато резекцияси ва деформациянинг 5° бурчак остидаги коррекцияси, коллатерал боғламларни гофралаш (а – схема кўринишида, б – ТБТЭ гача, в – ТБТЭ дан кейин)



а

б

в

3-расм. Тизза бўғими деформация бурчаги III даражасида тибиял платонинг 5° дан юқорирак бурчак остидаги резекцияси, резекция қилинган пластиналар ёрдамида остеоимпакция, коллатерал боғламларни гофралаш (а – схема кўринишида, б – ТБТЭ гача, в – ТБТЭ дан кейин)

Бўғимнинг варус ҳолати бўлган беморларда коррекцияловчи остеотомия ва эндопротез имплантацияси ёрдамида деформация бартараф этилди. Ревматоид полиартрит ва букилувчи контрактураси бўлган беморларга тизза бўғими бўғим юзаси пластиналарининг резекцияси ва тақим ости чуқурчаси капсула қисмини ажратишдан (орқа релиз) сўнг контрактуранинг реддрессацияси амалга оширилди. Тизза бўғими ички ва ташқи ёнбош боғламлари ностабиллиги борлиги туфайли амалиёт вақтида қўшимча равишда ички ва ташқи ёнбош боғламлар пластикаси бажарилди.


Амалиётдан 6 ой кейин беморлар тизза бўғимини Bristol Knee Score («аъло натижа» - 41 дан 50 баллгача; «яхши натижа» - 36дан 40 баллгача; «қониқарли натижа» - 30дан 35 баллгача) баҳолаш шкаласи бўйича клиник текшириш натижалари даражаси бўйича қуйидагича тақсимланди: тизза бўғими деформациясининг I даражасида 78та ($40,6 \pm 3,5\%$) беморда «аъло», 36тасида ($18,8 \pm 2,8\%$) «яхши», «қониқарли» натижа учрамади; тизза бўғими деформациясининг II даражаси бўлган беморлардан 18тасида ($9,4 \pm 2,1\%$) «аъло», 24тасида ($12,5 \pm 2,4\%$) «яхши», 18тасида ($9,4 \pm 2,1\%$) эса «қониқарли» натижа олинди; тизза бўғими деформациясининг III даражасида барча 18та ($9,4 \pm 2,1\%$) беморда «қониқарли» натижа олинган.

1 йилдан сўнг натижалар 6 ойлик натижалардан бирмунча фарқ қилди: тизза бўғими деформациясининг I даражасида барча 114та ($61,0 \pm 3,6\%$) беморда «яхши» натижа; тизза бўғими деформациясининг II даражаси бўлган беморлардан 42тасида ($22,5 \pm 3,1\%$) «яхши», 16тасида ($8,6 \pm 2,1\%$) «қониқарли» натижа олинди ва 2та бемор назардан четда қолди; тизза бўғими деформациясининг III даражасида барча 15та ($8,0 \pm 2,0\%$) беморда «қониқарли» натижа олинган ва 3та бемор назардан четда қолган.

Хирургик даволашнинг бу тактикаси бўйича «Тизза бўғими деформацияларини ташхислаш ва эндопротезлашда даволаш тактикасини танлаш дастури» ишлаб чиқилди ва Интеллектуал мулк агентлигининг ЭХМ учун дастурнинг расмий қайд этилиши тўғрисида гувоҳномаси олинди (№ DGU 02291). Бу дастур тизза бўғими деформацияларини эрта ташхислаш ва ТБТЭ тактикасини танлаш имконини беради.

Катта болдир суяги дўнгликлардаги некротик нуқсонларни қоплаш мақсадида биз томондан таклиф этилаётган усулда дўнгликнинг нуқсон соҳаси бўғим юзалари ўзгарган юмшоқ тўқималардан тозалангандан кейин, нуқсон тўғриланади, тибиал платони суяк кесмалардан аутотрансплантати горизонтал ётқизилади, сўнггра катта болдир тизмасидан олинган аутотрансплантант бўйламасига ажралади ва катта болдир нуқсони бор жойида олдин тайёрланган пармаланган тешикларга импактор ёрдамида қоқилади.

Шу билан тизза бўғимини эндопротезлашда суъний бўғим имплантацияси учун операция майдонини етарлича кенгайтириш имконини берувчи тизза усти қопқоғини четлатиш учун ретрактори ишлаб чиқилган ва фойдали моделга Интеллектуал мулк агентлигидан патент олинган (FAP 01220 19.07.2017) (4-расм).



4-расм. «Эндопротезлаш тизза усти қопқоғини четлатиш учун ретрактори» схемаси ва фойдали модель

